



2019 йил “ 5 ” февраль № ПҚ-4162 “ ” 20 г.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги
Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси
фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5656-сон “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бошқарув ходимларининг чекланган сони 30 нафар бўлган Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг (кейинги ўринларда – Инспекция) тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирига, зарур ҳолларда, Инспекция тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳукуқи берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Инспекция республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Инспекция бошлиғи Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Инспекция бошлиғининг ўринбосари Инспекция бошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Инспекция бошлиғи мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитларига бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

3. Инспекция ходимларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялаш шартлари татбиқ этилсин.

4. Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг бюджетдан ташқари жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

а) қуйидагилар Жамғармани шакллантириш манбалари ҳисобланади:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқарганлик ёки этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотларнинг ноқонуний айланмаси учун тўланадиган жарима суммасининг 50 фоизи;

этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, алкоголь маҳсулотларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланадиган корхоналар томонидан лицензия талаблари бузилганлиги учун тайинланадиган жарималар;

этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, алкоголь маҳсулотларнинг улгуржи савдосини амалга оширишга лицензиялар бериш учун тўланадиган йиғимлар;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан тушадиган алкоголь маҳсулотларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар ажратмалари суммасининг 10 фоизи миқдоридаги тушумлар;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотларининг кредитлари (қарз маблағлари) ва грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Жамғарма маблағларидан Инспекциянинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантириш ҳамда уларга кўшимча ҳақ тўлаш, Инспекция марказий аппаратини таъминлаш, шунингдек, қонуни ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тадбирлар учун фойдаланилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда Инспекцияни унга юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали мутахассислар билан таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг бюджетдан ташқари жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

8. Инспекция икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотларни ишлаб чиқаришга доир фаолиятни лицензиялаш тартиби, шунингдек, лицензия талабларини бузганлик учун қўланадиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги низомни;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича “таҳлил таваккали” тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2022 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида Инспекцияни таъминлаш учун зарур маблағларни назарда тутсин;

Инспекцияга 4 та автотранспорт воситасини, шу жумладан 2 та шахсий бириктирилган автотранспорт воситасини сақлаш лимитини белгиласин;

Инспекциянинг асослантирилган ҳисоб-китобларига кўра маъмурий биносини таъмирлашга ва унинг моддий-техник базасини шакллантириш учун зарур ускуналар ва ахборот-коммуникация технологияларини харид қилишга зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

10. Инспекция Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Тошкент кимё-технология институти билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар қўйидагиларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

техник ва тиббий этил спиртидан озиқ-овқат мақсадларида фойдаланишнинг олдини олишга доир чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифлар;

ҳалқаро стандартлар ва талабларни инobatга олган ҳолда истеъмол ва техник этил спиртини ҳамда алкоголь маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ягона технологик ва техник регламент.

11. Инспекция Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 октябрга қадар **истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмаси ҳажминини ҳисобга олиш ҳамда узумзорларнинг ягона реестри ахборот тизимини** (бундан кейин – ҳисобга олиш ахборот тизими) жорий этишни таъминласин, бунда қўйидагилар кўзда тутилсин:

2019 йил 1 сентябрдан бошлаб мулкдорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан истеъмол ва техник этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ўлчов ускуналарини ва ҳисобга олиш ахборот тизимига ахборот узатувчи бошқа ҳисобга олиш ва қайд этиш воситаларини ўрнатиш. Бунда ўлчов ускуналари ҳамда бошқа ҳисобга олиш ва қайд этиш воситаларининг типлари ва турлари Инспекция томонидан белгиланади;

2019 йил 1 октябрга қадар “UZINFOCOM давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ томонидан ҳисобга олиш ахборот тизимини ишлаб чиқиш;

2020 йил 1 январга қадар ҳисобга олиш ахборот тизимини ўзаро ахборот алмашинувини ўрнатиш учун молия, иқтисодийёт органлари, шупингдек солиқ ва божхона хизматлари, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграциялаштириш;

2019 йил 31 декабрга қадар истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг барча ишлаб чиқарувчиларини, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдоси билан шугулланувчи корхоналарни, шунингдек, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигини узумзорларнинг ягона реестрини юритиш ҳамда узум, мева ва резаворлардан алкоголь маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва айланмаси тўғрисидаги маълумотларни олиш учун ҳисобга олиш ахборот тизимига улаш.

12. Белгилаб қўйилсинки:

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 50 фоиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 50 фоиз – ҳисобга олиш ахборот тизimini ишлаб чиқиш ҳамда ушбу тизим ишлаши учун зарур инфратузилмани яратиш бўйича ишларни молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

2019 йил 1 июндан бошлаб истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шугулланувчи корхоналар товар-транспорт ҳужжатлари ва товар-моддий бойликларни олишга бериладиган ишончномалар билан бирга олиб бориладиган электрон ҳисоб-фактураларни юрнтишга мажбурий тартибда ўтади;

ҳисобга олиш ахборот тизimini жорий этиш ва унда ишлаш, шунингдек электрон ҳисоб-фактуралардан фойдаланиш истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг савдоси билан шугулланувчи корхоналар учун мажбурий ҳисобланади.

13. Молия вазирлиги Инспекция билан биргаликда 2020 йил 1 апрелга қадар алкоголь маҳсулотларни ишлаб чиқариш корхоналарида ҳисобга олиш ахборот тизimini такомиллаштириш ва молиявий инспекторлар лавозимини оптималлаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Инспекцияни статистик ахборот мажбурий тарқатиладиган реестрга киритсин, шунингдек белгиланган тартибда доимий асосда Инспекция сўровларига мувофиқ уни зарур қўшимча статистик ахборот билан таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Инспекцияни зарур алоқа, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан ва кенг поласали интернет тармоғига уланишини белгиланган тартибда таъминлансин.

16. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоровга – Инспекция фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларини, ташкилий-техникавий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа тадбирларни хал этиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимовга – алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг республикага ноқонуний олиб кирилишининг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш учун;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.А. Мусаевга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи Д.Ф. Рахимовга – республика ҳудудида ноқонуний алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг сотилишига қарши курашишга қаратилган қонун ҳужжатларининг самарали ижросини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

17. Инспекция манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг
тузилмаси

